

ЮЗИДАН НУР ЁГИЛГАН УСТОЗ

Устозга эҳтиром

1968 йил, август ойи... Ҳар бир абитуриент учун унутилмас лаҳзаларга бой дамлар, талаба бўлиш иштиёқи жуш урган пайтларим ТошДУ ҳозирги Миллий университетнинг филология факултетига ҳужжат топширдим, биринчи ёзма имтиҳондан ҳам утдим. Иккинчи имтиҳон оғзаки, қандай бўларкин, биринчи баҳо «4», иккинчиси, албатта, «5» бўлиши керак, ким экан-а, қандай ўқитувчи экан-а, мендан имтиҳон оладиган ўқитувчилар? Саволлар жуда кўп, имтиҳон залига кирдим. Уртароқдаги столда абитуриент ўрни бўш экан. Ҳеч иккиланмай ўша жойга бориб ўтирдим, уларнинг икковлари ҳам истараси иссиқ, юзларидан нур ёғилиб турган устозлар эди. Мен уларни танимайман, лекин ўртамизда савол-жавоблар давом этди. Шу пайт имтиҳон масъулининг «Медалистлар бу томонга», деган хитоби мени ҳаяжонлантириб юборди. Яна бошқатданми, деган илтижоли савол назари билан устозларга қараб қолдим. Уларнинг кўз қарашларидаги далда билан айтилган столга ўтирдим. Қисқаси, куша синовдан сўнг, мен талаба бўлдим. Ҳа, ўша истараси иссиқ устозлар Омонулла Мадаев ва Ёрмат ака Тожиёв эди.

Дарслар бошланди ва тақдир бизнинг курсга Ёрмат ака Тожиёвни раҳбар қилди. Талабаликнинг беш йили давомида Ёрмат ака биз билан ўқидилар, пахта тердилар, амалиётларга бордилар. Қисқаси, домла талабалар билан бирга нафас олди. Бу инсоннинг керак вақтда, керак жойда каттиккўлликлари бор эди. Айниқса, пахта мавсуми жараёнларида «штаб» деган «қўрқинчли ташкилот» аъзолари талаблари, даққилари бизнинг ёдимизда қолган. Ёрмат ака ҳар доим талабалар тарафини олардилар.

Ёрмат ака талабалик йилларимиздан кейин ҳам учрашувларимизда қатнашдилар. Омонулла Мадаёв, Муанбар опа Аъламова, Ёрмат Тожиёв 40 йиллик учрашувимизда универ-

ситетда устозлар даврасида хотираларини ўртоқлашдилар. Ҳаммасида ушш талабалик даврлари ёдга олинди. Охириги учрашувим тасодиф туфайли домланинг кучаларида бўлди.

– Ие, Роҳат, сенимсан, нега уйга кирмадинг, – деб қолдилар.

– Аллоҳ насиб қилса, албатта, – деб жавоб бердим. Лекин дийдор Маҳнарга қолди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

***Роҳат Юсуповна МИРЗАЁРОВА,
меҳнат фахрийси, Ҳожи она***